2007 ЙИЛ, 22 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ  № 56 (10.865)  Баҳоси эркин нархда



## УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

### РЕСПУБЛИКАМИЗ, ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Элимизга, юртимизга қут-барака, тўкин-сочинлик, хайру саховат, уйғониш, янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам кириб келди. Бутун борлиқ оқлик, поклик тимсоли — гулу чечак, ўт-ўланларнинг хушбўйларига бурканди. Ҳар бир дилда севинч, шоду хуррамлик, озод ва обод юрт фарзанди эканидан шукроналик ҳислари ҳукм сурмоқда.***

***Эзгулик ва саховатга йўғрилган, ўлмас анъана, урф-одатларимиз акс этган Наврўз айёмида бутун республикамиз, шаҳар, туман, маҳалла ва кўчаларимиз байрам сурури билан яшнади, диллари севинч оғушидаги ҳамшаҳарларимиз билан тўлди. Кеча халқ сайиллари пойтахтимизнинг барча туманлари марказларида қўш карнайю ноғоралар чалиниб, куй-қўшиқлар авжида, бобою бувижонлар бошчилигида катта хурсандчиликлар билан ўтди. Айтиш керакки, байрам шодиёналари маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда давом этади. Қуйида кеча шаҳримиз туманларида бўлиб ўтган халқ сайиллари, байрам тадбирлари билан танишасиз.***











### БЕКТЕМИР

Қалбларида Наврўзи олам шукуҳи жамулжам бўлган бектемирлик ёшу кексани байрам тантаналарига чорловчи карнай-сурнай садолари бениҳоя шодлантирди. Тумандаги Геннадий Красницкий номидаги стадион байрамона безатилиб, тантананинг мароқли ва кўнгилли ўтиши, дилларга шодиёна таассуротлари завқ-шавқ улашиши учун барча шароитлар яратилди.

Наврўзнинг ўзига хос миллий ўйин ва мусобақалари, халқимизга хос урф-одатлар, кўргазмалар намойишидан бир олам завқ олган сайил иштирокчилари санъат усталари ҳамда таниқли хонандаларнинг дилтортар ва дилрабо қўшиқларини мириқиб томоша қилишди. Айниқса, туман ҳокими Акмал Ҳошимжоновнинг тантананинг очилиш маросимидаги табрик сўзлари, туман аҳли эришаётган муваффақиятлар эътирофи барчани мамнун этди.

Наврўз шодиёналарига ташриф буюрган тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, мавжуд 12 та маҳалла вакилларига тарқатилган баҳорий неъмат—сумалакнинг таъми оғизда қолди, байрамона савдо расталарида эса кўклам таоми ва пишириқлари, салқин ичимликлар, музқаймоқлар савдоси ташкил этилди.

— Ҳар йили набираларимни етаклаб Наврўз сайлига чиқаман,—дейди кекса отахон Муродилла Набиев.—Йўл-йўлакай уларга умрбоқий байрамнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунтираман, қувончларидан дилим яйрайди. Шу кунларга етказганига шукр, Мустақиллигимиз шарофати билан қайта тикланган қадриятимиз—Наврўзи оламнинг эъзозланаётганидан беҳад фахрланаман. Мана шундай байрамларимизнинг умри боқий бўлиб, авлодларимизни асрлар оша баҳраманд қилсин.

Наврўз нашидаси маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда давом этмоқда, ёлғиз қариялар, кўп болали оилалар, пиру бадавлат кексалар хонадонларига совға-саломлар кириб борди. Эрта тонгдан кечгача давом этган байрамда дил сўзлари ва табрикларнинг, яхши ниятларнинг кети узилмади.

### МИРОБОД

Наврўзи олам — обод элимизнинг, саодатли она юртимизнинг гўзал ва фусункор байрами эканлигини дилдан ҳис этган мирободликларнинг юзларидаги севинч, кўзларидаги нур, кўнгилларидаги шоду-хуррамлик шодиёна завқ-шавқидан дарак берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Байрам олдидан туман маҳаллаларида бўлиб ўтаётган тантаналар шукуҳи 21 март куни эрта тонгдан гўзал гўша — Фурқат номидаги истироҳат боғига кўчиб, карнай-сурнайнинг ёқимли садоси оламни тутди — барчани умрбоқий шодиёнага чорлади. Бир томонда дошқозонда тайёр бўлган хушбўй сумалак, бир томонда ўзбекнинг севимли таоми паловхонтўра димоқларни қитиқлаб, иштаҳани очиб юборди. Боғда ўтказилган асосий тадбир «Ассалом, Наврўз!» деб номланди. Бири-бирига уланган шўх қўшиқларда она-Ватан, Наврўз, баҳор ва севги мадҳи янграган бўлса, театрлаштирилган томошаларда миллий урф-одатларимиз эъзози ёрқин аксини топди.

Барчага бирдай ёқадиган Наврўз байрамида бувию набиралар, бобою эваралар, она-болалар, дуога қўл очган кекса отахону онахонлар, жажжи қизалоқлару полвон болакайлар — ҳамма-ҳаммани учратиш мумкин. Кимдир шахмат-шашка мусобақаларини қизиқиб томоша қилса, яна кимдир кураш, чиллак, варрак учириш ўйинларидан завқ олди. Тумандаги мактаб ўқувчиларининг «Моҳир қўллар» кўргазмаси эса ўғил-қизларимизнинг маҳоратларидан дарак берди. Улардаги миллий анъаналаримиз акси ёшларнинг Ватанга муҳаббатидан ёрқин далолатдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман ҳокимлиги мутасаддиларининг табриклари, Наврўзона савдо расталарининг хизмати, хушовоз хонандалар Умар Шамсиев, Муножот Алимбоева ҳамда «Бунёд» гуруҳининг чиқишлари туман аҳолиси ва меҳмонларига хуш кайфият бахш этди. Албатта, тантанани кўнгилли ўтказиш баробарида кексалар ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг хонадонларига совға-саломлар билан кириб борган ҳомийлар саховати эзгулик ва нафосат айёмининг қадрини яна бир бор исботлади. Маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда давом этадиган янги кун шукуҳи барчани эзгу ишларга ундаши, шубҳасиз.

### МИРЗО УЛУҒБЕК

Наврўз байрами халқ сайиллари Мирзо Улуғбек туманида ўзгача кўтаринки руҳда файзли ва шукуҳли ўтди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай ва ноғора наволари туман аҳолисини байрамга чорлади. Кексаю ёшнинг қалби Наврўз нашидасидан завққа тўлиб, улуғ ва қадрли байрамимизни шодиёна нишонлаш ниятида халқ сайилларига отландилар. Тадбирлар тумандаги Мирзо Улуғбек майдони ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзига хос тантанали ўтди. Ушбу масканлар маҳаллалар аҳолиси, талаба-ёшлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, шунингдек, пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум бўлди.

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан тайёрланган байрам дастурлари, туман маданият уйлари бадиий жамоалари ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг қувноқ куй-қўшиқлари, шўх рақслари каттаю кичикка бир олам қувонч, завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, кичкинтойлар учун ташкил қилинган турли хил қувноқ аттракционлар ҳамда ширинликлару музқаймоқ ва салқин ичимликлар савдосидан кўнгиллари шодликка тўлди. Шунингдек, миллий халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, турли хил кўргазмалар дам олувчиларга хуш кайфият улашди. Байрам тадбирлари шу куни эрталабдан то кечга қадар байрамона безатилган дастурхон атрофида куй-қўшиққа уланиб маҳаллаларда давом этди.

### СЕРГЕЛИ

Наврўзи олам шодиёналари элу юртимизга тўкинлик, қут-барака олиб кираётган кунларда Сергели туманида ҳам ушбу айём катта шоду хуррамлик билан нишонланди.

Яшариш, янгиланиш байрамини ҳаммаёқни орасталаб, покиза, обод гўшага айлантириб, гулу-чечакларга буркаб кутиб олган туман аҳолиси эрта тонгдан Янги Сергели маданият ва истироҳат боғига ошиқди. Куй-қўшиққа, қувноқ лапарлар миллий халқ ўйинларига уланди. Спорт мусобақалари, варрак сайли, ёзувчию шоирлар билан дилдан учрашувлар барчада яхши таассурот қолдирди. Боғдаги турли аттракционлар болажонларга хизмат қилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI АСР САДОСИ

### БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наврўз байрами арафасида Навоий вилояти, Қизилтепа туманининг Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Ванғози оқшоми» номли маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Қурилишига тадбиркор Бобожон Каримов ҳисса қўшган гузарда сартарошхона, суратхона, пойабзал таъмирлаш ва телерадиотузатиш устахоналари, савдо дўконлари мавжуд.**

**• Қутлуғ байрам арафасида Паркент туманидаги «Самаробод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги икки маҳалла хонадонларига табиий газ ўтказилди. Бу ишларни амалга оширишда тумандаги қурилиш ташкилотлари ҳамда «Аланга шарқ сервис» унитар корхонаси ходимлари кўмаклашишди.**

**• Тошкент туманидаги Абдураҳмонов, Кенсой қишлоқ хўжалик ҳамда ижтимоий-иқтисодий коллежларда очиқ эшиклар куни тадбири ўтказилди.**

**• Сурхондарё вилояти Ширин шаҳрида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Боёвут тумани ҳамда Ширин шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмарка давомида 75 талабгор иш билан таъминланди, 14 нафар фуқаро касб тайёргарлиги ва малака оширишга, 9 таси эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.**

**• Республика Киночилар уйида 2006 йили киноижодкорларимиз томонидан суратга олинган фильмлар муҳокамасига бағишланган анжуман ўтказилди.**

**• Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида плёнка остида ғўза экиш ишлари бошланди. Жорий йилда туманда пахтани 510 та фермер хўжаликлари етиштиради.**

**• Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Сариштали бека» ўқув маркази ташкил топганига бир йил тўлди. Ушбу муносабат билан бу ерда ўқиётган қизлар иштирокида «Сариштали бекаman фариштали қизлари» кўрик-танлови ўтказилди.**

**• Наврўз айёми арафасида Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида янги «Роввот» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли мазкур шифо маскани 10 минг 600 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бу ерда кундузги стационар, стоматология, болаларни эмлаш, таҳлилхона, муолажа, физиотерапия хоналари мавжуд.**

**• Ўзбекистон ХДП Хонқа туман Кенгаши томонидан Хонқа қурилиш касб-ҳунар коллежида «Наврўз удумлари ва миллий қадриятларнинг муштараклиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Франция Президенти Жак Ширак мамлакат президентлигига 12 номзоддан бири — Николя Саркозини сайловларда расман қўллаб-қувватлаши, яъни ўз овозини беришини билдирди. Телевидение орқали мурожаатида Жак Ширак Саркозининг 26 мартдан бошлаб Ички ишлар вазири лавозимини тарк этиб, президентлик сайловига тайёрланишини таъкидлади. Сўнгги маълумотларга кўра ҳозирда Саркозини энг кўп — 54 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватламоқда.**

**• Кейинги кунлар ичида Россияда рўй берган кетма-кет учта йирик ҳалокат — Самарада «ТУ-134» самолётининг ағдарилиб кетиши, Кузбасдаги шахтада метан газининг портлаши, Краснодарда қариялар уйида ёнғин чиқиши оқибатида 177 киши ҳаётдан кўз юмди. Шу муносабат билан кеча Россия Федерациясида мотам куни эълон қилинди.**

**• Италияда кейинги йиллар ичида мафияга қарши энг йирик ва пухта тайёрланган операция ўтказилди. «Тоза майдон» деб номланган операция чоғида карабинерлар томонидан бир кун давомида наркотик моддалар савдоси ва бошқа қабиҳ ишлар билан шуғулланувчи 200 га яқин маҳаллий мафия бошлиқлари қўлга олинди.**

**• Сомалида ислом ақидапарастлари ва ўтиш ҳукумати ҳарбийлари ўртасидаги тўқнашувлар авжига чиқди. Айниқса бундай можаролар мамлакат пойтахти Могадишо шаҳрининг кўплаб ҳудудларини қамраб олди. Тўқнашувлар чоғида 14 киши ҳаётдан кўз юмган бўлиб, улар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор. Холера хасталигининг тарқалиши ҳам мамлакатдаги аҳволни янада мураккаблаштирмоқда.**

**• Испанияда баскларнинг тақиқланган «Батасуна» партиясининг етакчиси Орнальдо Атеги ҳибсга олинди.**

**• Афғонистонда толибонлар томонидан гаровга олиниб, икки ҳафта давомида сақлаб турилган италиялик 52 ёшли журналист Даниэле Мастроджакома толибон ҳаракатининг икки нафар юқори мансабли аъзоларининг озодликка чиқарилиши эвазига қўйиб юборилди.**

**• Россиянинг Ростов областида «МИГ-29» русумли иккита ҳарбий самолёт режали парвозлар чоғида ҳавода тўқнашиб кетди. Самолётларнинг учувчилари катапульта усулини қўллаган ҳолда омон қолишди.**

**• Австралия пойтахти Мельбурн шаҳрида сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Наврўзингиз муборак бўлсин» мавзуида ўтказилган байрам тадбирида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

• **ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалла гузарида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар вакилларига эсдалик совғалари туҳфа этилди.

• **ЎТГАН** куни Учтепа туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган Наврўз айёмида туманда яшовчи кам таъминланган оилалар аъзоларига дастурхон тузалди, ош тортилди, фарзандларнинг суннат тўйлари уюштирилди.

• **ҲАМЗА** туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи, 103-махсус мактаб интернатида Наврўз байрами муносабати билан тарбияланувчилар учун хайрия тадбири уюштирилди, уларга совғалар улашилди.

• **ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» маҳалла гузарида яшариш айёми муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида маҳалла кексалари, фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 105-мактабда туман халқ таълими бўлими, Ҳамид Олимжон маданият уйи, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Наврўзи олам, муборак» деб номланди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан парвариш қилинаётган гуллар ва қушлар кўргазмаси намойиш этилди.

• **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги 31-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Наврўзим — ризқ-рўзим» деб номланди.

• **ЎТГАН** куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежида уюштирилган концертда Юнус Ражабий номидаги Республика мусиқа коллежи ўқувчилари иштирок этишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**



# УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Ушбу қутлуғ кунларда Наврўз нафаси ҳар бир хонадонга кириб боради, беморлар ҳолидан хабар олиниб, кекса, ногиронларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилади, — дейди туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Холхўжа Умаров. — Туманимиздаги 33 та маҳалланинг ҳар бирида Наврўз ўзига хос тарзда ўтказилади. Кеча «Қўшқўрғон» ва «Иттифоқ» маҳаллаларида юқори кўтаринкилик билан, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини эъзозлаган ҳолда чиройли байрам дастурхонлари ёзилиб, кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатилиб байрам нишонланди. Бетоблар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Миллий таомларимиз, сумалак ва ҳалимлар пиширилиб, кўк сомсаю чучваралар каттаю кичикка тортиқ этилди. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, туман ҳокимлиги томонидан ҳар йили Наврўз айёмида кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш хайрли анъанага айланиб қолган. Шу удумга мувофиқ эртага 220 нафар болажонларнинг суннат тўйлари туманимизнинг энг гўзал кошонаси — Бахт уйида ўтказилади. Чиройли байрам дастурхони ёзилиб, болаларга тўй сарполари кийгазилиб, меҳр-муҳаббат кўрсатилади. Тўйга тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи кексаю-ёш, бетобу ногиронлар таклиф этилиб барчага хуш кайфият улашилади.

Бутун кун давомида бўлиб ўтган байрам тадбирларида хушовоз хонандалар, Олимпия умидлари спорт мактаби спортчи ёшларининг чиқишлари, турли мусобақалар барчага шоду хуррамлик бахш этди.

### СОБИР РАҲИМОВ

Вақт алламаҳал эканлигига қарамасдан, байрам арафасида «Ёшлик» шаҳарчасидаги талабалар уйлари ҳудуди диллари шод ёшлар билан гавжумлигича қолаётганди. Бу ерда бараварига еттита дошқозонда қайнаётган сумалак атрофида йигит-қизлар бир-бирини алмаштиришга улгурмасди. Уларнинг ҳар бири узун капкирни етти маротаба чуқур айлантириб кавлашга ва уни қозон тагига чўкиб қолган тошларга теккизишга ҳаракат қиларди.

— Дейишадики, кимгаки сумалак тоши тушса, йил давомида унга омад кулиб боқади, — кулиб тушунтира кетди «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги ахборот маркази матбуот котиби Назира Ҳамроева. — Талабалар нимани ният қилишади дейсизми? Албатта, биринчи навбатда севгида омадни. Шунингдек, имтиҳон ва синовларни ҳам яхши топшириб олишни. Биласизми, талабалар орасида ўзига хос бир анъана борки, улар имтиҳон кунлари ўнг қўлида доимо сумалак тошини олиб юришга одатланганлар.

— Бу йилги Наврўзни ҳам алоҳида бир кўтаринки руҳда кутиб олмоқдамиз, — таъкидлаб ўтди Назира. — Қаранг, бизнинг кандай гўзал, батартиб шарт-шароитларда ўқиш, ишлаш ва яшашга имкониятимиз бор! Бир неча йил илгари бу ҳакда ўйлаш у ёқда турсин, орзу ҳам қилинмаганди. Фақатгина мамлакатимиз Президентининг бундай эътиборлари, ўсиб келаётган авлодга кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли бугун биз ўқиш ва яшаш учун мана шундай тўлиқ шароитларга эгамиз.

**Кеча** «Ёшлик» шаҳарчасида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналарида Собир Раҳимов туманининг 58 та маҳалласидан вакиллар қатнашди. Ўз навбатида, маҳаллаларда айём тадбирлари асосан хайрия акциялари билан нишонланган бўлса, келаётган дам олиш кунлари жойларда байрам дастурхонлари тузалиб, театралаштирилган дастурлар намойиш этилади.

Наврўз сайиллари «Ёшлик» шаҳарчасида келгуси ойнинг ўрталаригача давом эттирилади. Бу ердаги олий, ўрта махсус ва халқ таълими ўқув юртлари раҳбарияти эса барча ташкилий ишларга аввалдан ҳозирлик кўриб қўйган. Театрлаштирилган дастурлардан ташқари, ҳар шанба-якшанба кунлари табиий дармондориларга бой баҳорий таомдан барча тўйиб истеъмол қилиши мақсадида яна 40 та дошқозонда сумалак тайёрланиши кўзда тутилган. Эслатиб ўтамиз: Талабалар шаҳарчасидаги 29 та ўқув юртида 41,5 минг ўғил-қизлар таҳсил олади, бундан ташқари, шу ҳудуддаги тўққизта маҳаллада 40 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

### УЧТЕПА

Кеча карнай садолари Учтепа туманининг барча 53 та маҳалласи бўйлаб ёйилди, десак муболаға бўлмайди. Байрам ташкилотчилари — Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси айнан шуни ҳисобга олган ҳолда Наврўз шодиёналарида туман аҳолисининг кўп қисми иштирок этишига эришиш мақсадида туман маданият ва истироҳат боғининг атрофини қамраган равишда йигирмата карнай ўрнатишди.

Аслида кеча бу масканга минглаб учтепаликлар фақат карнай чорлови остида эмас, балки байрамни бирга ва ҳамжиҳатликда нишонлаш ниятида қалб амри билан келишди, деса тўғри бўлади. Кун давомида бу ерда баҳор, муҳаббат, нафосат, тинчлик ҳақида ҳаваскор ва профессионал хонандалар ҳамда гуруҳлар иштирокида қўшиқ ва куйлар янгради, Театрлаштирилган томошадан ҳеч ким четда қолгани йуқ. Каттаю кичик севимли қўшиқ ва куйларга жўр бўлиб, байрам сайлининг ҳақиқий иштирокчисига айланди. Ташкилотчилар болажонлар учун ҳам бетакрор қувонч улашишга ҳаракат қилишди. 20 дан ортиқ ўйингоҳ улар ихтиёрига бепул топширилди. Сайилга келганлар туманнинг энг яхши ошпаз ва қандолатчилари томонидан тайёрланган сумалак, ош ва бошқа баҳорий таомлардан баҳраманд бўлдилар.

«Чевар» акциядорлик жамияти жамоаси эса Наврўзни анъанавий равишда эмас, балки иш ҳолатида кутиб олди.

— Шундай бўлиб қолди, — деди жамият бошқаруви раиси Азиз Каримов. — Сумалак учун мўлжалланган буғдой ҳали маромига етиб униб чиқмади. Барча ишларга аёлларимиз бош-қош бўлишаётган экан, уларнинг фикрига бўйсунишга мажбурмиз. Жамоамиз аёллари кеча ва бугун ишлаб келаётган дам олиш кунлари мароқли ҳордиқ чиқаришни маъқул кўришди. Эртага сумалакни қозонга солишга ҳозирлаймиз. Наврўз куни ўз қарамоғимизда бўлган инсонларни қутладик. Корхона яқинида жойлашган Журжоний номли, «Бешқайрағоч», «Учтепа» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 20 та кўп фарзандли оилаларда бўлиб, уларга ҳаваскор гуруҳимиз томонидан хурсандчилик улашдик. Совғаларни ҳам – ўрин-кўрпа жилдлари тўплами ва чопонларни ўз қўлимиз билан тайёрлаганмиз. Яхши маълумки, бу корхонамизнинг асосий маҳсулоти ҳисобланади.

### ЧИЛОНЗОР

Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида намоён этган энг азиз ва қадрли байрамларимиздан саналган Наврўз байрами ҳамма-ҳаммага бирдек шодлик ва қувонч улашмоқда. Наврўзи олам шодиёналари Чилонзор туманидаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, айниқса файз-тароватга тўлиқ тарзда кечди.















Шу куни мазкур гўшаларга ташриф буюрган таникли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъатшунослар ҳамда отахонлару онахонлар, талаба-ёшлар, жажжи болажонлар, пойтахтимиз меҳмонларининг диллари Наврўз шукуҳи ва сурури билан лиммо- лим тўлди. Дам олувчилар Наврўз таомлари билан безатилган дастурхондаги сумалагу ҳалимлар, кўк сомсаю варақилардан баҳраманд бўлдилар. Таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда маданият уйлари бадиий жамоалари ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар байрам сайлига ўзгача файзу тароват бахш этиб, бошқаларни ҳам даврага чорлади. Айниқса, кулги шинавандалари учун аскиячиларнинг қувноқ аскиялари, ичакузди ҳангомалари барчага хуш кайфият бағишлади. Жажжи кичкинтойларни айтмайсизми, қувноқ аттракционлар, болалар ўйингоҳларида мазза қилиб учиб, Наврўз нашидасидан баҳраманд бўлдилар. Уларнинг бахтиёр ва қувноқ кулгилари бутун оламни тутди.

### ШАЙХОНТОҲУР

Хайру саховат, эзгулик ва бағрикенглик айёми — Наврўзи олам байрами туманда эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари остида бошланди.

Яратиш ва яшнатиш айёмини дилда соғинч билан қаршилаган момою буважонлар набираю эвараларни етаклаб байрам сайлига чиқдилар. Дошқозонлардаги сумалак, кўк сомсаю чучвара байрам дастурхонини безади. Миллий халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, варрак сайли каттаю кичикни даврага чорлаб тадбирга кўтаринкилик бағишлади. Айниқса, туманнинг Хадра майдони ва Ибн Сино номли истироҳат боғидаги байрам сайилларида янграган шўх лапар, куй-қўшиқлар, аскияю қувноқ ҳангомалар қатнашчилар қалбига шоду хуррамлик бахш этди. Бетоб, ётиб қолган беморлар, кекса, ногиронларнинг уйларига совға-саломлар билан кириб борилгандаги миннатдорликни эса сўз билан ифодалаш қийин. Тумандаги 49 та маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида ҳам минг йиллардан буён бардавом этиб келаётган Наврўзи олам дилда шукроналик билан нишонланди.

— Халқимиз ўзининг боқий айёми — Наврўз байрамини эзгу тилак, юртимизга тинчлик-омонлик тилаган ҳолда кутиб олди, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур тумани бўлими Кенгаши раиси Бунёдбек Йўлдошев. — Ёшларимиз бу борада пиру бадавлат, табаррук кексаларимизга яқиндан кўмакчи бўлдилар, десак янглишмаймиз. Улар байрам дастурхонларини ўзларининг пазандалик маҳоратларини кўрсатиб шириндан-шакар пишириқлар билан безадилар, спорт мусобақалари ва варрак сайилларининг қизиқарли ва қувноқ ўтишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Куй-қўшиқ, шўх лапар ва яллалар янграган давраларда туман маданият уйи қошидаги «Нур», «Оқшом», «Настарин» каби бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари байрам иштирокчиларига айниқса маъқул бўлди.

### ЮНУСОБОД

Эзгулик ва саховат, янгиланиш ва яшариш айёми Наврўз айёми шодиёналарида иштирок этиш мақсадида Юнусобод туманидаги байрамона безатилган хиёбонлар ҳамда майдонларда карнай-сурнай наволари янграб туман аҳлини халқ сайлига чорлади.

Тумандаги Тошкент Ҳайвонот боғи ва Сайилгоҳ майдони айниқса кишилар билан гавжум бўлди. Қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўзнинг ҳаётбахш қирралари, эзгуликка ундовчи хислатларини юрак-юракдан ҳис этган халқимиз хуш кайфият ила бир-бирларини байрам билан қутлашди. Эзгу тилаклар билдиришди. Эстрада хонандалари, бадиий ҳаваскорлар ижросидаги Наврўзни мадҳ этувчи шўх-шодон қўшиқлар, лапарлар, аския ва пайровлардан диллар яйради, санъатсевар мухлислар уларга жўр бўлдилар, рақсга тушдилар. Варрак учириш, спорт мусобақалари ва ўйинлари, турли хил кўргазмалар барчанинг эътиборини тортди.

Байрам тадбирлари шу куни маҳаллаларда давом этиб, ўйин-кулгулар авжига чиқди. Сумалак, ҳалимлар пиширилди, кекса ва беморларга улашилди. Меҳр-оқибат,мурувват айёми ҳисобланмиш Наврўз байрами муносабати билан туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан хайру саховат кўрсатилиб, тумандаги кам таъминланган, ёлғиз кексалар, кўп болали оилаларга жами 15 миллион 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам тадбирларида пиру бадавлат, нуроний отахонлар ва онахонлар шундай дориломон кунларга еткизганига шукроналар айтиб қўлларини дуога очиб, элимизга тинчлик, халқимизга, Юртбошимизга омонлик тиладилар.

### ЯККАСАРОЙ

Мустақиллик қуёши нур сочган диёримизга байрамлар ярашади. Ҳар доимгидек бу йил ҳам соғиниб кутганимиз Наврўз айёмини яхши ниятлар, эзгу мақсадлар ила нишонлаш мақсадида Яккасарой туман аҳолиси ўзгача кўтаринки руҳда халқ сайиллари томон ошиқди. Халқ сайли асосан тумандаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан карнай-сурнай наволари билан бошланди.

Байрамона безатилган ушбу сўлим ва хушманзара боғда Наврўз шукуҳи яққол намоён бўлди. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар, дам олувчилар катта дошқозонларда пиширилган Наврўзнинг тансиқ таомлари — ҳалим, сумалак ҳамда кўк сомсаю чучвaралардан баҳраманд бўлдилар. Байрам тадбирларида тумандаги Хуршид, А.Авлоний номидаги маданият уйи ҳамда эстрада цирк коллежи бадиий ҳаваскорлари, шунингдек таниқли хонандалар ижросидаги концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган турли миллий-маданий марказлар жамоалари томонидан тайёрланган ўзига хос дастурлар каттаю кичикнинг қалбига хушнудлик ва қувонч бахш этди. Турли хил миллий ҳунармандчилик ва тасвирий санъат йўналишидаги кўргазмалар намойиши кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. Шунингдек, байрам сайлида болажонлар учун асфальтга расм чизиш, варрак учириш мусобақалари, арқон тортиш, миллий кураш ва спорт ўйинлари ташкил қилинди. Айниқса дам олувчилар боғдаги мавжуд сув ҳавзаларидаги катамаран ва қайиқларда учиб маданий ҳордиқ чиқардилар.

### ҲАМЗА

Ҳамзаликлар барча ҳамшаҳарларимиз қатори яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи оламни орзиқиб кутишди ва эрта баҳордан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари билан туман чиройини очишга, шодиёнага тайёргарликни уюшқоқликда олиб боришга саъй-ҳаракат қилишди. Шу боис бўлса керак, туманда фусункор айём ўзига хос руҳда нишонланди.

Муҳташам маскан — «Авиасозлар» маданият саройида ўтказилган асосий тантаналарни очган туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров барчани янги кун — катта шодиёна билан табриклар экан, Ижтимоий ҳимоя йилида ишларида муваффақият, хонадонларга қут-барака ҳамда кўнгилли байрам кайфияти ҳамроҳлигини тилади.

Ўз-ўзидан аёнки, Наврўз руҳи ташкил этилган томошаларда, уюштирилган миллий ўйин ва анъанавий спорт мусобақаларида яққол акс этади. Шу боис ҳам дастурхон безаш, пазандачилик, ҳунармандчилик, варрак учириш сингари йўналишлар бўйича ўтказилган мусобақалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ушбу мусобақа ғолибларига туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ва ҳомий ташкилотларнинг пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бежизга Наврўзни меҳр-оқибат айёми, дея таъриф бермаймиз. Бу саховатда, қилинган саъй-ҳаракатларда ёрқин акс этиб, ёлғиз қариялар, ётиб қолган беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Тумандаги 30-Меҳрибонлик уйининг 130 нафар тарбияланувчисига байрам кайфияти улашган Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собиржон Комиловнинг ҳиммати дилларни хушнуд этди. 180 нафардан зиёд меҳнат ва уруш фахрийларининг йўқланишида эса халқимизнинг эзгу урфлари намойиши яна бир бор исботланди.

**(Ўз мухбирларимиз)**
**Ҳакимжон Солиҳов,**
**Наталья Семёнова,**
**Бурҳон Ризоқулов**
**олган суратлар**

*Иқтисодиёт*

## «СОҒЛОМ ЮРАК» ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

**ЮРТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ФАРМАЦЕВТИКАДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. МАҲАЛЛИЙ ДОРИ-ДАРМОН ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УШБУ ТИЗИМНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАТОР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАЗКУР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОЛИМ БЎЛМОҚДА.**

2000 йилдан фаолият юритаётган «SOGLOM YURAK» масъулияти чекланган жамияти жамоаси аҳли ҳам элимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Жамият аъзолари тажрибали фармацевт ҳамда малакали кимёгарлардан иборат.

Ҳозирги кунда мазкур жамиятнинг 10 нафар ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари билан «Nitroglitserin forte» таблетка, инъекциялари тайёрланмоқда. Улар қулай, чиройли қадоқланиб, дорихона, шифохона, стационарларга етказиб берилади. Шунингдек, корхонада тайёрланаётган, бежирим, қулай идишларда сотувга чиқарилаётган косметик вазелин ҳам харидоргир ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонада ишлаб чиқарилаётган «Nitroglitsein forte» туркумидаги дори-дармонларнинг хорижда ўхшаши йўқ. Улар беморларда қон босимини меъёрлаштириш ҳисобига юракка дармон бўлиши билан эътиборли.Корхона тадбиркорлари доимий изланишда. Боиси, фармацевтика соҳасидаги янгиликлар, ҳамкорлар топиш ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш ҳам эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлмоқда.

## ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**УСТА КУЛОЛСОЗ РАҲИМОВЛАР СУЛОЛАСИНИ НАФАҚАТ ПОЙТАХТДА, РЕСПУБЛИКАМИЗДА, БАЛКИ УЗОҚ ХОРИЖИЙ ЮРТЛАРДА ҲАМ ЯХШИ БИЛИШАДИ. БОИСИ, ИЛДИЗИ УЗОҚ ЎТМИШИМИЗГА — МОЗИЙГА БОРИБ ТАҚАЛУВЧИ ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР ТАЙЁРЛАГАН БЕТАКРОР СОПОЛ БУЮМЛАР КЎРГАН КЎЗЛАРНИ ҚУВНАТИБ, ГЎЗАЛЛИККА БЕИХТИЁР ОШНО ҚИЛАДИ.**

Яқинда ўтказилган «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича 2-ўрин соҳиби бўлган Алишер Раҳимов устози, падари бузруквори, академик устазода — Акбар Раҳимовнинг ҳақиқий издошига айланганлигини исботлади. Унинг бир-биридан чиройли, бежирим, сифатли сопол буюмлари изланиш, ҳунарга бўлган астойдил меҳр, унинг сир-синоатларини мукаммал эгаллаш орқали муваффақиятга эришилганлигидан ёрқин далолат ҳисобланади.

Ёш, умидли устада доимий туғиладиган янги ғоялар эса интилиш, изланиш, билим олиш, қадимий сопол буюмлари яратилиши ҳақидаги тарихий манбалар ҳамда осори-атиқаларга қайта-қайта мурожаат қилганда туғилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Санъат*

## СПЕКТАКЛНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ БУ ЙИЛГИ ИЖОДИЙ МАВСУМИ ДАВОМИДА КЎПГИНА СПЕКТАКЛЛАРНИ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТАДИ.**

Яқинда саҳна юзини кўрган «Хонаки табиб» постановкаси ҳам яхши кутиб олинди. Машҳур драматург Мольернинг бу асари бундан олдин ҳам театр репертуаридан ўрин олган эди. Спектаклнинг бу сафарги талқини ўз режиссураси билан ажралиб туради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдураҳимов томонидан постановка қилинган бу спектаклдаги кўринишлар жозибаси ҳам томошабин эътиборини ўзига жалб қилади. Постановкани саҳналаштиришда Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази яқиндан ёрдам берди.

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАРОНАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА УЮШТИРИЛГАН БУ МУСИҚАЛИ КЕЧА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ САНЪАТКОРЛАР УЧУН ИЖОДИЙ СИНОВ БЎЛДИ.**

Пойтахтимиздаги 7-болалар мусиқа мактабининг умидли ёшлари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқларда бахтиёр болалик тараннум этилди.

Концертда Тошкентдаги 30-Меҳрибонлик уйи бадиий ҳаваскорлари тайёрлаган мусиқали дастур ҳам тингловчиларда завқ-шавқ уйғотди.

Атоқли бастакор Мутал Бурхоновнинг «Дўппи тикдим» қўшиғи болалар хори ижросида янгради.

## КОПЕНГАГЕНГА ИЖОДИЙ САФАРГА

**ХУШОВОЗ ХОНАНДА, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МУЯССАР РАЗЗОҚОВА КОНЦЕРТ РЕПЕРТУАРИДА ЕВРОПА КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ҲАМ БОР. АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА ҲАМ САНЪАТКОР ЕТАКЧИ ПАРТИЯЛАРНИ ИЖРО ЭТИБ КЕЛМОҚДА.**

Бу жиддий изланишлари уни жаҳон опера санъатида танилиб боришида муҳим ижодий кўприк вазифасини ўтамоқда.

Копенгагенда янги опера театри ташкил этилиш муносабати билан Муяссар Раззоқова ушбу йирик маданий тадбирда қатнашади. Бу ижодий сафарга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан илгари севимли хонандамиз Италия опера театрига таклиф этилган эди.

**Акбар АЛИЕВ**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ БОЙИТИШГА, СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН БИЛИМЛИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН САВОДХОН БЎЛИБ КАМОЛ ТОПИШИГА, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.**



Бу борада ўқув жамоаларида маъмурият билан хамкорликда қатор ишлар қилинмоқда, қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Республика 2-тиббиёт коллежида талаба ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Ўзбекман" шеърини талаба Гулбаҳор Артиқбоева ва талабалар — Дилбар Қулаҳмадова ва Нигора Кўчқоровалар ижросидаги ота-она ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиш билан очилди.

Коллеж раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Адилов талабаларга ғоя ва мафкура тушунчалари, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси—"ғоявий бўшлиқ» ва "мафкуравий иммунитет" тушунчаларининг маъно-мазмунига алоҳида тўхталиб, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш,талабаларни ўз юртига садоқатли, дунёқараши кенг, муносиб фарзанд қилиб тарбиялаш педагогик жамоанинг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олим сўзга чиқиб, миллий ғоя тушунчасининг мазмунига, миллий мафкуранинг асосий ғояларига талабаларнинг эътиборини қаратди ва буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазаллари, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари, халқ мақоллари орқали ёрқин мисоллар билан талаба ёшларга фикрларини баён этди. Шунингдек, маърузачи комил инсон ғоясига таъриф бериб, у маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва жисмоний баркамоллик тушунчаларидан таркиб топишни уқдириб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот марказининг маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири Зиёда Ғаффорова эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорини изчиллик билан бажаришга эътибор қаратиш даркорлигини алоҳида таъкидлаб, мазкур муҳим Қарорда белгилаб берилган асосий вазифаларнинг мазмуни, аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шунингдек, маърузачилар миллий маънавиятимиз тарғиботини барча соҳа мутахассислари, зиёлилар томонидан мунтазам равишда олиб бориш, ёшларда маънавий фазилатларни тарбиялаш, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ўрганиш, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлардан ҳимоялаш огоҳликка, хушёрликка даъват этиш, ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёшларнинг қалби ҳамда онгига сингдириш, муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёлар, буюк аждодларнинг ибратли ҳаётига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш масалаларига тўхталиб ўтдилар. Кеча талабалар томонидан ижро этилган шеърлар билан якунланди. Қизиқарли, фойдали мулоқотга айланган маънавий-маърифий тадбир талабаларда ёрқин таассурот қолдирди.

**Мухтабар САЛИХОВА,**
**Республика 2-тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари**

---

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДАГИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИ ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР. ФАҚАТ ЎТГАН 2006 ЙИЛДА «НУРОНИЙ» ВА «МАҲАЛЛА" ДАСТУРЛАРИНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ДОИРАСИДА 20 НАФАР КЕКСА, НОГИРОН АЁЛЛАРГА ТУМАН КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН 80,0 МИНГ СЎМ МИҚДОРИДА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Бундан ташқари тумандаги корхоналар ҳомийлиги асосида Шайхонтоҳур туманида яшаб, меҳнат қилаётган 50 нафар меҳнат ва уруш фахрийларига озиқ-овқат маҳсулотлари билан моддий ёрдам кўрсатилди. Шу жумладан, тумандаги ҳомий ташкилотлари ёрдами асосида 400 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ёзилди.

Туман касаба уюшма Кенгаши ўз таркибида мулкчилик шаклидан қатъи назар 559 та корхоналарни бирлаштирган бўлиб улар билан доимий яқин алоқаларни амалга ошириб келмоқда. 2006 йилнинг ёз мавсумида меҳнаткашларнинг 65 нафар ўғил-қизларига болалар соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари корхоналарда самарали меҳнат қилиб келаётган 69 нафар касаба уюшма аъзоларига 2006 йилда 33 та сиҳатгоҳ ва 16 та дам олиш масканларига йўлланмалар олиб берилди.

Туман касаба уюшма Кенгаши шаҳар тармоқ касаба уюшмаси Кенгаши томонидан "Ҳомийлар ва шифокорлар" йилига бағишлаб ўтказилган аёллар спартакиадасида тумандаги корхоналар касаба уюшма аъзоларининг қатнашишларини таъминлади. Ушбу спартакиадада аёлларимиз фаол иштирок этишиб, совринли 2 та иккинчи ўринни эгалладилар.

Туман касаба уюшма Кенгаши тумандаги савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорларни янада фаоллаштириш ва ташаббускорликларини ошириш мақсадида ташкил қилинган "Ташаббус — 2006" кўрик - танловининг Шайхонтоҳур туман босқичида совринли ўринларни эгаллаган "Энг яхши тадбиркор" ва "Энг яхши ҳунарманд"ларнинг 2 нафарини қимматли совғалар билан мукофотлади.

Корхоналарда ишловчи касаба уюшма аъзолари фарзандларига қишки таътил даврида Янги йил арча байрами муносабати билан ўтказилган театр спектаклларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун 932 та байрам чипталари бепул тарқатилди.

Маҳаллалар билан биргаликдаги ишлар борасида туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма Кенгашининг "Илғор" маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларини таъкидлаш жоиздир.

Маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳомийлар кўмаги асосида инсонларни эзгу ва саховатли амалларга, меҳру мурувватли бўлишга ундовчи Рамазон ва Қурбон ҳайитлари муносабати билан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўтган 2006 йилда 530,0 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга 132-мактабда ўқиётган кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлар томонидан кийим-кечаклар, ўқув қуроллари билан ёрдам берилди ҳамда Янги йил арафасида цирк томошаларига 15та бепул чипта ва Янги йил совғалари топширилди. Қарияларга умумхалқ байрамлари олдидан совғасаломлар тарқатилди.

"Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини 2005 йилда Япония грантига сазовор бўлиб, маҳалла гузарида кенг кўламдаги маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, гузарда компьютер ўқув маркази, аёлларга бичиш-тикишни, соч турмаклаш ва бошқа зарурий ҳунарларни ўргатувчи хоналар ташкил қилинган бўлиб, улар кам таъминланган оилаларга имтиёзли равишда хизмат кўрсатиб келмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Назира Иноятова томонидан касаначилик ишларини ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича намуна олишга арзигулик ишлар қилинаяпти. Жумладан, қизларга бисер тикиш, аёлларга қавиш, тикиш ва бошқа қўл ишлари бўйича тўгараклар ташкил этилиб уларда ўрта ёшдаги аёллар ва ёш қизларга ҳунар ўргатиб, меҳнатга жалб этилмоқда.

Туман касаба уюшма Кенгаши корхоналарда меҳнат қилаётган кишиларни, уларнинг оила аъзоларини иқтисодий, ижтимоий меҳнат, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Кенгашнинг мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташкилот ва фирмалар, хусусий корхоналар билан ўзаро муносабатлари улар билан аввалдан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Ушбу муносабатлар асосида туман касаба уюшма Кенгаши ўзига бирлашган ташкилотлар ва корхоналарга доимий равишда методик ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, корхоналарга касаба уюшмалари қўмиталарида иш юритилишини ташкил этиш, амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда баённомалар ҳолида шакллантириш, корхоналарда Жамоа шартномаларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда корхоналарда уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, меҳнатни тўғри ташкил қилиш кўрсатиб келинмоқда.

Шайхонтоҳур туман касаба уюшма Кенгаши келгусида фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз олдига бир қанча масалаларни ҳал этиш бўйича вазифалар қўйган. Жумладан, ҳокимиятнинг қонунчилик, вакиллик ва ижро этувчи органларида ходимлар манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилиш, касаба уюшмаларига мойил қонунлар мажмуасини шакллантиришга кўмаклашиш, инсон омилини кучайтириш, билимдон, ижодий фикрловчи кадрларга таяниш, касаба уюшма органларини малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини тарғиб қилишни янада такомиллаштириш борасида ўз олдига катта вазифалар қўйган бўлиб, ушбу ишларни бажариш бўйича бор имкониятларини ишга солади.

**Зиёда РАҲИМОВА,**
**Шайхонтоҳур туман савдо матлубот кооперацияси ва тадбиркорлар касаба уюшма кенгаши раиси**

---

## РАҒБАТ — ҒАЙРАТГА ЧОРЛАЙДИ

**МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЛУҒЛАБ, АСРЛАР ОША ЯШАБ КЕЛАЁТГАН УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИМИЗДАН БЎЛГАН ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ ЧУҚУР МАЗМУН-МАЪНО КАСБ ЭТГАН ҲОЛДА ЮРТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНИБ КЕЛАДИ.**

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз-умумхалқ байрамига бағишлаб, "Аёл борки, олам мунаввар" номли маданий тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тармоқнинг ишчи-хизматчиларидан жами 500 нафар киши байрам кечасининг азиз меҳмони бўлдилар. Халқимиз-табиатан ижодкор, ҳар бир ишга меҳр билан ёндошишни талаб этади. Савдо соҳасида ҳам шарқона муомала маданиятига амал қилиш касбнинг нозик сирларидандир. Савдо аҳлининг санъатни, адабиётни севиши, ардоқлаши ҳам бежиз эмас.

Тармоқ меҳнаткашлари орасида қалам тебратиб, шеърлар ёзишни машқ қиладиган ҳаваскор шоирлар борлиги қувонарлидир. Ушбу маданий дастурда савдо соҳасида меҳнат қилаётган ҳаваскор шоирларнинг аёлларни улуғловчи шеърлари санъаткорлар томонидан ифодали ижро этилиб, барчада яхши таассурот қолдирди. Бадиий кеча ниҳоясига етгач, ҳозирги куннинг долзарб масалаларига бағишланган "Олтин қиз" спектакли актёрлар томонидан маҳорат билан ижро этилиб, байрам тадбири иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.



Бу ҳақда фикр-мулоҳазаларини баён этиб «Отуш» хусусий фирмаси раҳбари, касаба уюшма фаоли Нажот Ниёзов шундай дейди: "Байрам ташкилотчиларига катта раҳмат. Маданий-маърифий тарбияга қаратилган, кишиларни эзгуликка чорловчи, меҳнат аҳлини улуғлаш мақсадида амалга оширилган хайрли ишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Айниқса, "Олтин қиз" спектаклида илгари сурилаётган ғоя ғоят зарур бўлиб, маънавий бойлик, гўзалликка , яхшиликка интилиш билан инсон мақсадига етишини зинҳор унутмаслик даркорлигини яна бир карра ёдга солади. Меҳнат аҳлига, жумладан тармоқда хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларга кўрсатилган эътибордан мамнун бўлдим ва бу рағбат албатта барчамизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга чорлайди".

"Яхши дам — меҳнатга ҳамдам" дейишганидек, мароқли ҳордиқ тармоқ меҳнаткашларини юрт равнақи йўлида баракали меҳнат қилишга янада руҳлантиради. Бу борада тармоқ меҳнаткашлари манфаатлари учун куч- ғайратимизни асло аямаймиз.

**Зиёдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгашининг раиси**

**СУРАТДА:** тадбир иштирокчилари.

---

## КУН ТАРТИБИДА — МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

**МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.**

Яқинда Юнусобод туманидаги 17-шаҳар клиник шифохонасида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда даволаш-профилактика муассасалари раҳбарияти ва касаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгашининг касаба уюшма хизматидаги даволаш профилактика муассасалари ва ўқув жамоалари касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъул ходимлар иштирокидаги мазкур тадбирда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Р. Шокаримов бу борада белгиланган вазифалар, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар тўғрисида атрофлича сўзлаб берди. Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш оқилона иш эканлиги сабабли ечимини лозим бўлган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга анжуман иштирокчиларининг эътибори қаратилди. Мазкур анжуман иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиб, амалий ишда фойдали жиҳатлари билан эътиборга лойиқдир.

— Семинар долзарб масала бўйича ўтказилиб, бугунги кунда даволаш-профилактика муассаса ва ташкилотларининг масъул ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича анча маълумотга эга бўлдик. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Собир Раҳимов туманидаги 42-оилавий поликлиникада тармоқ касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши томонидан "Очиқ эшиклар куни" ўтказилишидан жуда ҳам мамнун бўлдик. Чунки, бу барча мутасадди ходимлар учун ишимизда ҳам амалий ҳам услубий ёрдам беради, — дейди Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси Рамиля Исломқулова.

— Мазкур семинардан мен ҳам катта таассурот олдим. Бундай амалий мулоқотлар кўпроқ ўтказиб борилса, ишимиз янада самарали бўлади, — дейди фикр-мулоҳазаларини билдириб Мирзо Улуғбек тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгашининг Мирзо Улуғбек тумани бўйича вакили Ойдин Каримова.

Эркин мулоқот, савол-жавобларга бой тарзда, ишчанлик руҳида ўтган семинар машғулоти барча қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Гавҳар ИСЛОМОВА,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси**

---

## САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК





*Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.*

*Ўйлаймизки, мамлакатимизда бу улуғ ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топилади.*

*Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга*

**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИнинг ҳисоб рақамларини маълум қиламиз:**

**СТИР: 206849483**
**МФО: 00423**
**Х/р: 20212000604589442001**
**АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.**

---

## «ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ»

**"ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ" НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ ҲАМДА "ЖАҲОН" АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА "ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ" КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ.**

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида дунёга танилган. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини жаҳон аҳли эътироф этган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида эришилган натижалар ўз самарасини бермоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ана шу улкан ишларнинг яна бир эътирофи бўлди.

"Тошкент — ислом маданияти пойтахти" китобида Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари чоп этилган.

Муайян шаҳарнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганишга, тиклаш ва тарғиб қилишга, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан келган табриклар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга мазкур воқеа жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Ушбу китобда дипломатик корпус вакиллари, хорижий мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилган. Шунингдек, дунёнинг турли давлатларидаги етакчи ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ёзилган мақола ва шарҳлар ҳам китобга киритилган.

**(ЎзА)**

---

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Бу Ер шарининг етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларида йод моддаси етишмаслиги сезиладиган минтақалари аҳолисига хос бўлган хасталикдир. Ўзбекистонда ушбу муаммо муваффақиятли ҳал этилаётир. 2005 йилнинг 11 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Унни тўйинтириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам камқонликнинг олдини олиш ва шу мақсадда йод, бошқа микроэлементлар ва витаминлар билан бойитилган маҳсулотларни истеъмол қилиш фойдасини кенг тарғиб қилган ҳолда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тошкентда оммавий ахборот воситалари соҳасида Унни тўйинтириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш доирасида иккинчи миллий мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Танлов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Жорий йилда ушбу тадбир қатнашчилари сони икки баравар кўпайди.

Масалан, "Телевизион илмий-публицистика дастури" номинациясида "Ёшлар" телерадиоканали журналисти Элмира Раҳматуллаева ғолиб чиқди, "Спорт" телерадиоканалида ишлайдиган Гўзалхон Комилова энг яхши янгилик теледастури муаллифи деб топилди. Ҳудудий тележурналистлар орасида биринчи ўрин Марғилон-ТВ директори Бахтиёр Тошпўлатовга насиб этди. Радиожурналистлар орасида эса "Ёшлар" канали эфирида узатилган туркум эшиттиришлар муаллифи Вилоят Шодибекова ва Фарғона телерадиокомпанияси шарҳловчиси Салима Рустамова ғолиб чиқди. "Қашқадарё" газетаси мухбири Темирпўлат Тиллаевнинг республика ва вилоят босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари ва "Қибрай садоси" газетаси журналисти Гулнора Аҳмедова қаламига мансуб мақолалар ҳудудий нашрларда чоп этилган энг яхши материаллар деб топилди. Шунингдек, "Ғунча" болалар журналидан Ёқутхон Раҳимова, UzReport.com веб-сайти журналисти Беҳзод Ҳожиматов ўз номинациясида биринчи ўринни эгаллади. "Ўзбекистон" республика телерадиоканали журналисти Саидахон Зокирова Гран-при соҳибаси бўлди. Бундан ташқари, танловда иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлган журналистлар номи ҳам эълон қилинди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Қорнинг тўқ бўлса, ҳар нарсага қўл урма, чунки у юз ранжу фасодга сабаб бўлади.

**Сифла, к-озодаро нагўяд бад,**
**Ё наёяд фарози хони касе.**
**На ба дарё расад забони саге,**
**Нанишонад ба суфра сагмагасе.**

Қани эди нокас покиза одамни ёмонотлиқ қилмаса, ё бирор кишининг дастурхонига яқин келмаса. Итнинг оғзи дарёга тегмасаю, итпашша дастурхонга қўнмаса.

**Сиҳат ар хоҳи макун майли таом,**
**То набошад иштиҳои ғолибат.**
**Лек бояд даст аз ў вақте каши,**
**Ки ба хўрдан нафс бошад толибат.**

Агар сиҳат тиласанг, иштаҳанг очилмай туриб, овқатга майл кўрсатма. Лекин овқатга ўтирганингда ҳам егинг келиб тургани ҳолда, ундан қўл тортган маъқул.

**Сахий аз ҳар чи дорад мекунад базл,**
**Зи камтар кам вале аз бештар беш.**
**Зи дарё дур, зи кўза қатра об**
**Бувад, ҳар як аз инҳо дархури хеш.**
**Саховатро ҳар он к-ў даст, ки хост,**
**Ки чун жамъ ояд, афшонад ба дарвеш.**
**Сахо набвад, ки бошод жамъ кардан,**
**Ҳама кори бахили ҳилятандеш.**
**Сахи онро шумур, к-аз ҳар чи дорад**
**Сахо, бо ҳар ки пеш ояд, барад пеш.**

Сахий бор нарсасидан —камидан кам, кўпидан кўп: дарёдан—дур, кўзадан—бир қатра сув, яъни буларнинг ҳар биридан ўзига муносиб эҳсон қилади. Қўлига бойлик тўпланганда дарвешларга эҳсон қиладиган кишини сахий дейиш мумкин. Мол-дунё тўплаш сахийлик эмас—бу барчаси ҳийлагар бахилнинг ишидир. Қўлида борини дуч келган кишига бериб кетадиган одамни сахий ҳисобла.

**Сарои даҳр, ки ҳар лаҳза корвони дигар**
**Дар ў нузул кунад баҳри хўрдану хуфтан.**
**Муқим ношуда табли раҳил кўбад боз,**
**Бад-ин жиҳат шавадаш карвонсаро гуфтан.**

Дунё саройига ухлаш ва ейиш мақсадида ҳар лаҳза карвонлар келиб-кетиб туради. Улар бу ерда бир нафас турмасдан кўчиш ноғораси чалинади. Шунинг учун ҳам уни карвонсарой дейдилар.

**Сифла гар мирад паи иксуну атлас дур нест,**
**Ҳаст аз баҳри кафан кирме, ки абрешимгар аст.**

Агар пасткаш кимса умрини атласу шоҳи кийимлар кийиш учун сарфласа, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки пилла қурти ҳаётининг мазмуни ҳам ипакдан ўзига кафан тўқишдан иборат.

**Сифларо ҳар накд, к-андар даст дорад—боқий аст,**
**Хуфтаро ҳар айш, к-андар хоб бинад бовар аст.**

Хасис кимса қўлидаги ҳар бир ақчасини абадий деб ўйлайди, уйқудаги одам тушида кўраётган ҳар қандай кайфу сафоларга ишонади.

**Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий**
**Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур.**

Сув билан ўт асли-азал бир-бирига зид: оби ҳаёт бўлса ҳам ўт учун офатдир.

**Топқанини сочди эл узра саҳоб,**
**Ким ҳақ ани айлади гардунжаноб.**

Булутнинг Ҳақ марҳамати билан баланд мартабага чиқиши—ўз сувини экинларга тўкиши, яъни халққа фойда етказиш учун хизмат қилишининг натижасидир.

**То режа чекмас ерига боғбон,**
**Боғ ҳамон зебда, чангал ҳамон.**

Режасиз ҳолда дарахтлар ўтқазилиб тузилган боғ чангалзордан фарқсиздир.

**Толпинса, чиқар ғариқ юмкин,**
**Толпинмаса, ўлмаги не мумкин.**

Ғарқ бўлган киши ҳаракат қилса, қутулиши, ҳаракат қилмаса, ўлиши мумкин.

**Топса киши бодия ичра зулол,**
**Олтун оёқ қайдау, синғон сафол.**

Чўлда чанқоқ киши сув топганда, унга олтин идиш ёки синган сопол фарқсиздир.

**Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлик,**
**Факр аҳлига айла хоки раҳлик.**

Агар шоҳлар сенга бўйсунадиган бир мартабага эришганингда ҳам, фақирларга хизмат қилишга тириш.

**Таомеки, ул мужиби ком эрур,**
**Ки ўт ранжини тортмас, хом эрур.**

Овқатни кишилар исташларининг сабаби, унинг ўт ичида пишганидандир.

**Тааммул била ком пайдо бўлур,**
**Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.**

Ўйлаб иш қилишлик билан мақсадга етилади, чидамли (оғир) бўлиш билан хом нарсани (хом ишни) пишириш мумкин бўлади.

**Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,**
**Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.**

Бора-бора ёш бола ақлли бўлади, турғунлик, яъни сабру тоқат билан қамиш қанд бўлади.

**Такаллум била кимса инсон эрур,**
**Сўзи йўқ баҳоймга не сон эрур.**

Кишини ҳайвондан айирувчи сўздир, ҳайвон инсон қаторига киролмаслиги унинг тилсизлигидир.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ АМАЛДА БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2006 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ БУЙРУҒИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

*Маънавият*

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА





Жумладан, Учтепа туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли марказий маданият уйида «Маънавият—кўнгил озиғи» мавзуида катта тадбир бўлиб ўтди. Уни Учтепа туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, вояга етмаганлар комиссиясининг туман бўлимлари ҳамда туман прокуратураси ҳамкорликда ўтказдилар.

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан асосий мақсад,—дейди Учтепа тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Илҳом Турсунбоев, —вояга етмаганлар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни кучайтиришдан иборатдир. Шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат, фидойилик руҳида тарбиялаш, баркамол инсонлар бўлиб етишишларини таъминлаш, бўш вақтларини унумли ўтказишларига шароитлар яратиб бериш ва турли мафкуравий хуружлардан сақлаб, гиёвандлик, ичкиликбозлик ва диний ақидапарастлик ёки бошқа зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш каби ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, бугунги ёш авлод эртанги кунимизнинг умидли вакиллари ҳисобланади. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, онг ва тафаккурини янада юксалтириш бизларнинг асосий вазифамизга киради. Туманимизда 68 минг нафар вояга етмаган ёшлар истиқомат қилади. Бугунги тадбиримизда 117 нафар ИИБ рўйхатида турадиган болалар ота-оналари билан иштирок этмоқдалар. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимимиз тасарруфидаги 48 та тўгарак, 3 та болалар мусиқа мактаби ва 240 та спорт секциялари ёшларимиз бўш вақтларининг унумли, мароқли ва мазмунли ўтишини таъминламоқда. Ўйлаймизки, бугунги тадбир ҳам, уларнинг ҳаётларида эзгуликка йўлловчи туб бурилишлар ясашга ундайди.

Маънавий-маърифий, тарбиявий ва мусиқий тадбир доирасида болалар бадиий жамоалари, спорт жамоалари турли хил мусиқий ва кўргазмали чиқишлари билан меҳмонларни хушнуд қилдилар.

«Ниҳол» мукофоти совриндорлари Жасур Мирсоатов ва Сардор Раҳимхон эса ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан кечанинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминладилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

---

*«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати*

## МУСИҚА ВА ҲУЖАЙРАЛАР

**Мусиқанинг шифобахш кудратини инсоният жуда қадимдан билади. Ҳақиқатан ҳам ҳозир кўпгина мамлакатларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам мусиқа билан даволаш ҳақида тез-тез эшитиб турамиз. Эндиликда саломатлик билан мусиқа ўртасидаги боғлиқликни ўрганадиган махсус фан ҳам дунёга келган ва у ажиб кашфиётлари билан ақлу заковатимизни лол қолдириб келмоқда...**

Биологик тадқиқотларнинг мутлақо янги йўналиши соноцитология деб аталади. У... ҳужайралар товушини ўрганади. Калифорния (АҚШ) университети ходими Жеймс Жимзевский: «Агар юрак мушаклари ҳужайралари уриб турса, қандайдир тебраниш мавжуд бўлса, шундай ҳолларда қандай товушлар эшитилиши мумкин?,» — деган савол билан қизиқиб қолди. Уларни эшитиб бўлармикин?

Давом эттирилган тадқиқотлар ҳужайралар ҳақиқатан ҳам товуш чиқаришини тасдиқлади. Боз устига, турли омиллар таъсирида улар турлича товуш чиқараркан. Олинган маълумотлар компьютер ёрдамида таҳлил қилинди, эшитилган товушлар кўплаб марта кучайтирилди. Маълум бўлишича, нобуд бўлаётган ҳужайра бўғиқ, ноаниқ товуш чиқараркан, алкоголь таъсирида эса, улар ҳайқириш, чинқириқ овозини чиқариш қобилиятига эга экан.

Тадқиқотчилар яқин келажакда уларнинг кашфиётларидан тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлишига, ташхис қўйишнинг мутлақо янги усулларини ишлаб чиқишда ёрдамлари тегишига умид қилишади. Масалан, ҳужайраларнинг товушига қараб, ҳали унча хавф сололмайдиган энг дастлабки босқичларда саратон хасталигини аниқлаш имкониятига бемалол ишониш мумкин.

Онкологлар, ҳар қалай, соноцитологияда ҳар қандай янгиликни синчиклаб кузатиб боришади. Ҳозирча бир нарса аниқ: соғлом ва саратонга дучор бўлган ҳужайралар турлича товуш чиқаришади.

Ҳозирдаёқ, тиббиёт келажаги кўп жиҳатдан ҳужайралар даражасида олиб бориладиган тадқиқотларга боғлиқ бўлишини олимлар ва мутахассислар тушуниб етишган. Товушлар олами ҳам бу жараёнда фаол иштирок этади.

— Мусиқа таъсирида, масалан, қон айланиши фаоллиги ўзгаришини олимлар аллақачонлароқ қайд этишган,— дейди мусиқий муолажа бўйича йирик мутахассис С.Шушаржан. – Лекин мусиқий муолажа кўпгина соҳалар оралиғида юзага келган фанлараро фан эканлиги тушунчаси яқиндагина пайдо бўлди. Унинг соф физик ҳолати аниқ мавжуд, зеро, мусиқа – бу товуш, ритм,частота, амплитудалардир...

Масаланинг тиббий жиҳати – организмнинг товушга, мусиқий оҳангларга руҳият даражасида ҳам, ҳужайралар даражасида ҳам жавоб реакциясидан иборат. Биз, масалан, саратонга дучор бўлган ҳужайралар (саратон ўсимтаси заррачасини олдик) ва микроблар ҳужайралари билан жуда қизиқарли бутун бир туркум тадқиқотларни ўтказдик.

Ушбу ҳужайраларни эшитувчи мосламалар –оралиғидаги бўшлиққа жойлаштириб, навбатма-навбат тўрт хил дастурдаги мусиқа таъсирида синаб кўрдик: улар мумтоз мусиқа, эстрада-симфоник мусиқаси, рок-мусиқа ва ўрта аср диний қўшиқ-оҳангларидан иборат эди.

Диний мусиқа-қўшиқ товуши энг кучли таъсир ўтказганининг гувоҳи бўлдик. Булар жуда мураккаб ўзаро таъсир кучларидир. Лекин уларнинг моҳияти бир нарсага бориб тақалади – бир хил мусиқа ҳужайралар ўсишини фаоллаштирса, бошқа хили бунинг аксини қилади. Шу тариқа ҳужайралар даражасида жараёнларни бошқариш калитини, саратон ўсимталари пайдо бўлиши механизмларини аниқлаш йўлларини топиш имконияти вужудга келиши реал ҳақиқат бўлиши мумкин.

Тадқиқот ишлари учун яна бир қизиқарли мавзу – ритмнинг (мусиқий ритмнинг) киши организмига, жумладан, мия ишига таъсирини ўрганишдан иборат. Чунончи, миянинг компьютер сурати одамлар турли мусиқий оҳангларни эшитаётган пайтларида унинг ўнг ярим шарига қон оқими кучайганини кўрсатган. Кучли ритмдаги мусиқа эса, ҳар иккала ярим шарларда қон оқимини кучайтирган.

Буларнинг ҳаммаси ташқи дунё товушлари билан бизнинг танамизнинг "товушлари" ўзаро мураккаб алоқада эканлигини кўрсатувчи далиллардир. Бу ерда, албатта, жавобини кутаётган саволлар ҳали жуда кўп. Лекин бу соҳадаги ҳар қандай янгилик ва кашфиётлар ғоят қизиқарли ва истиқболи порлоқдир. Зеро, улар инсон саломатлиги учун курашни янги, юқори поғонага олиб чиқади.

## ШАМОЛЛАДИНГИЗМИ? ҚЎРҚМАНГ!

**Шамоллашдан халос бўлишда хонаки шароитда осонгина бажариш мумкин бўлган ингаляция яхши ёрдам беради.**

Саримсоқ пиёз, оддий пиёз ва ерқалампирни баравар қисмларда олиб, уларни майда тишли қирғичдан ўтказинг. Ҳосил бўлган "бўтқа"ни кичкина шишача (флакон, масалан, нафтизиндан бўшаган шишача)га солинг. Кейин аралашмага асал муми (прополис)нинг спиртдаги эритмасини қуйиб, бир неча кун давомида қоронғу жойда асранг.

Шишачанинг оғзини бурун тешикларига маҳкам ёпиштиринг ва бурун орқали нафас олиб, уни оғзингиздан чиқаринг. Бу муолажани 3-5 дақиқа давом эттиринг. Шундан кейин нафас олишингиз анча енгиллашади. Буруннинг шилимшиқ пардаси шамоллаш хасталикларига анча чидамли бўлиб қолади.

## АНГИНАНИНГ ОДДИЙ ДАВОСИ

**Доно бувижонларимиз рецепти:** дорихонадан 50 граммлик шишачада баргизубнинг спиртдаги эритмасини олинг. Унга бир бўлакча асал мумини (микдорни кўз билан чамалайсиз) ташланг. Асал муми эриб кетганидан кейин қайчининг тўмтоқ учига пахтани ўраб, уни ўша аралашмага ботириб олинг, кейин уни томоғингизнинг ўнг ёки чап томон ярмига суртинг. Худди шу йўл билан томоғингизнинг иккинчи ярмини ҳам дорилайсиз.

Мазкур муолажани чамаси уч марта такрорлайсиз. Шунинг уддасидан чиқсангиз, бутунлай ангинадан халос бўлиб кетишингиз ҳам мумкин.

## СТРЕССДАН ҚУТУЛИШ ЧОРАСИ

Жаҳлингиз "қуюшқон"дан чиқа бошлаши билан қўлларингизни баланд кўтариб, кескин ҳолатда тиззаларингизга ташланг. Бир неча бор шундай қилишингиз билан ҳаммаси ўтиб кетади – бекордан-бекорга асабийлашиб, жиғи-бийронингиз чиққиси келмай қолади.

Гап шундаки, стресс таъсирида одамлар елкаларини кўтариб, бор кучларини билакларига йиғишади. Нафас олиш юзакилашиб, стресс гормонларининг қонга чиқариб ташланиши кўпаяди. Қўлларни кўтариш билан биз чуқур нафас олишга мажбур бўламиз ва шу ҳолатда қон кислородга тўйиниб, асаблар таранглиги йўқолади.

---

**БОЛАЛИК ШУНЧАЛИК БЕҒУБОР ОЛАМКИ, УНИНГ БЕПОЁН САРҲАДЛАРИДА БИР УМРГА ҚОЛИБ КЕТГИНГ КЕЛАДИ. БИРОҚ ВАҚТ БУНГА ИМКОН БЕРМАЙДИ. ЭНГ МУҲИМИ БОЛАЛИКДА ЎТКАЗИЛГАН ЁДДА ҚОЛАРЛИ ДАМЛАР, БИРИ-БИРИДАН ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИНЛАР ЙИЛЛАР ЎТИБ КИШИНИНГ КЎНГИЛ БИСОТИГА АЙЛАНАДИ.**

*Танловлар*

## ВАРРАКЛАР БАЙРАМИ

Айни шу ҳаётий ҳақиқатни яхши билган Юнусобод туман халқ таълими бўлими маъмурияти ҳар йили «Варраклар байрами» кўрик-танловини ўтказиб келади.

Бу йилги кўрик-танлов тумандаги ўқувчи-ёшлар техник ижодий марказида ўтказилди. Унда 41 та мактабдан 82 нафар иқтидорли ўқувчилар варрак ясаш бўйича иқтидорларини намойиш этишди.

— Бугунги тадбир ўзига хос мақсадларни қамраб олади, —дейди ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази раҳбари Саодат Худойқулиева биз билан суҳбатда.—Шу маънода истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг олган билимларини амалда қўллашларига кенг имкониятларни яратиш олдимиздаги асосий мақсад ҳисобланади.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. I,II ўринни эгаллаган иштирокчилар кўрик-танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Спорт янгиликлари*

## АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЭЛЛИКТАЛИКДА

**ХАБАРИНГИЗ БОР, ХАЛҚАРО ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) ДУНЁ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ БОРАДИ. ЭРКАКЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ РЕЙТИНГИ ҲАР ОЙДА ЧИҚАРИЛСА, АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ РЕЙТИНГИ ЭСА ҲАР 3 ОЙДА БИР МАРТА ИШҚИБОЗЛАР ҲУКМИГА ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ.**

ФИФА март ойи бўйича эркаклар терма жамоалари рейтингидан сўнг, аёллар рейтингини ҳам эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 2006 йилнинг декабрь ойида ўзи эгаллаб турган 48-поғонадан 1-ўрин пастга тушиб, 49-поғонага жойлашди.

Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоаси 2006 йилнинг декабридан 2007 йилнинг мартига қадар ФИФА таснифига кирувчи расмий ва ўртоқлик учрашувларида майдонга тушмади. Шу тариқа ФИФА рейтингида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси МДҲ давлатлари ичида Россия (15-ўрин), Украина (17), Белоруссия (38) терма жамоаларидан сўнг 4-поғонани банд этиб турибди.

Дунёда аёллар футболи савияси жиҳатидан анча юқори ўринларда турадиган Осиё қитъасида эса вакилларимиз 10-кўрсаткичга эга. Шимолий Корея (5), Япония (9) давлатлари кучли ўнталикка кирган бўлса, Хитой (11) ва Австралия (15) дунёнинг энг кучли 15 та давлати ичидан жой эгаллаб туришибди.

ФИФА рейтингида АҚШ аёллар терма жамоаси биринчи ўринга кўтарилиб олди. Рейтинг пешқадами — Германия терма жамоаси 2-ўринга тушишга мажбур бўлди. Навбатдаги ўринлар ҳам европалик қизларга тегишли — Норвегия ва Швеция. Бешинчи ўринда эса, юқорида айтганимиздек, Шимолий Корея терма жамоаси келмоқда.

**Боҳир БЕК**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2007 йил 21 мартдан 1 апрелгача
«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Хадра майдони



ЦИРК

НАВРЎЗ БАЙРАМИ
ва мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
ҲАЙВОНЛАР КАРНАВАЛИ
Янги супердастур
Томошалар: 23, 26, 27, 28, 29, 30 март кунлари соат 11.00, 14.00, 17.00 да; 24, 25, 31 март ва 1 апрелда 12.00, 15.00, 18.00 дан бошланади.



Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94.





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6